

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.13/30.12.2019. Т.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**РАХИМОВ ҚУВВАТАЛИ ОРТИКОВИЧ**

**УЧИШ АППАРАТЛАРИ КОНСТРУКЦИЯЛАРИНИНГ ВОРИСЛИ**  
**ДЕФОРМАЦИЯЛАНУВЧИ ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ МАТЕМАТИК**  
**МОДЕЛЛАШТИРИШ**

05.01.07 – Математик моделлаштириш. Сонли усуллар ва дастурлар мажмуи

**ТЕХНИКА ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации  
доктора философии (PhD) по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of  
philosophy (PhD) on technical sciences**

**Рахимов Қувватали Ортикович**

Учиш аппаратлари конструкцияларининг ворисли деформацияланувчи  
элементларини математик моделлаштириш . . . . . 3

**Рахимов Қувватали Ортикович**

Математическое моделирование наследственно-деформируемых  
элементов конструкций летательных аппаратов . . . . . 21

**Rahimov Kuvvatali Ortikovich**

Mathematical modeling of hereditary-deformable elements of aircraft  
structures . . . . . 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works . . . . . 43

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.13/30.12.2019.Т.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**РАХИМОВ ҚУВВАТАЛИ ОРТИКОВИЧ**

**УЧИШ АППАРАТЛАРИ КОНСТРУКЦИЯЛАРИНИНГ ВОРИСЛИ**  
**ДЕФОРМАЦИЯЛАНУВЧИ ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ МАТЕМАТИК**  
**МОДЕЛЛАШТИРИШ**

05.01.07 – Математик моделлаштириш. Сонли усуллар ва дастурлар мажмуи

**ТЕХНИКА ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/T1102 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ахборот технологиялари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tuit.uz](http://www.tuit.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** Усмонов Ботир Шуқуриллаевич,  
техника фанлари номзоди, доцент

**Расмий оппонентлар:** Полатов Асхад Мухаммеджонович,  
физика-математика фанлари доктори, профессор

Анарова Шахзода Аманбаевна,  
техника фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:** Тошкент давлат транспорт университети

Диссертация химояси Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги DSc.13/30.12.2019.T.07.01 Илмий кенгашнинг 2022 йил «28» январ 6 соат 16<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-64-43, факс: (99871) 238-65-52, e-mail: [tuit@tuit.uz](mailto:tuit@tuit.uz) Тошкент ахборот технологиялари университети).

Диссертация билан Тошкент ахборот технологиялари университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (239- рақам билан рўйхатга олинган.). (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-ўй. Тел.: (99871) 238-65-44).

Диссертация автореферати 2022 йил «15» январ кuni тарқатилди.  
(2022 йил «7» январ даги 52- рақамли реестр баённомаси)

**Р.Х. Ҳамдамов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
техника фанлари доктори, профессор

**Ф.М. Нуралиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, техника фанлари доктори, доцент

**Ш.А. Садуллаева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
кошидаги илмий семинар раиси,  
физика-математика фанлари доктори, доцент



## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда композит материаллардан ташкил топган конструкцияларнинг деформацияси, чидамлилиги, тебраниши ва динамик барқарорлиги каби қатор долзарб муаммолар мавжуд бўлиб, бу муаммоларни ўрганиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Ушбу масалаларни ўрганиш аэрокосмик саноатнинг кўплаб муаммоларини, масалан, конструкцияларни ишлаб чиқиш ва лойиҳалаш вақтида объектнинг вазни, чидамлилиги ва ишончлилиги каби муаммоларни ҳал қилишга ёрдам беради. Жаҳонда, шу жумладан АҚШ, Япония, Италия, Хитой, Туркия, Ҳиндистон, Россия Федерацияси ва бошқа мамлакатларда, конструкция материалларининг деформацияланиши жараёнларини сонли ҳисоблаш учун математик моделлар, алгоритмлар ҳамда дастурий мажмуалар ишлаб чиқиш масалалари муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги кунда жаҳонда учиш аппаратлари конструкцияларини лойиҳалашда ишлатиладиган материалларнинг бардошлилик хусусиятларини таққослаб баҳолаш учун моделлар яратишга ва алгоритмлар ишлаб чиқишга бўлган қизиқиш ортган. Шу сабабли ушбу йўналишнинг ривожланиши учун конструкцияларнинг уникаль элементларини самарали ҳисоблаш усуллари ва алгоритмларини талаб этилади. Композит материаллардан тайёрланган конструкцияларнинг деформацияланиши, чидамлилиги, тебраниши ва динамик барқарорлиги муаммоларига қизиқиш уларнинг конструкциядаги асосий юкланувчи элементлар эканлиги билан изоҳланиши мумкин. Тебраниш ва динамик барқарорликнинг чизиқли ва ночизиқли масалаларини ечишнинг самарали алгоритмларини ишлаб чиқиш ворисли деформацияланувчи материаллар механикасининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Композит материалларни ифодалайдиган ўзгармаслар уларнинг қовушқоқ-эластик хоссалари билан боғлиқ.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда учиш аппаратлари конструкцияларида ишлатиладиган материалларнинг бардошлилиги ва самарадорлигини ошириш учун алоҳида эътибор қаратилмоқда ва бу борада кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «... йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш ҳамда модернизация қилишда ... замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш»<sup>1</sup> вазифалари белгилаб берилган. Шунга боғлиқ равишда, композит материаллардаги динамик ҳодисаларни тадқиқ қилиш ва саноатда қўлланиладиган материалларнинг қовушқоқ-эластик хоссаларини ўрганиш динамик масалаларни ҳисоблаш методларини ривожланишига ёрдам беради. Буларнинг ҳаммаси замонавий рақамли ва ахборот технологияларининг лойиҳалаш ишларига ва чекли сондаги эркинлик даражасига эга бўлган ворисли деформацияланувчи

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги № ПФ – 4947 – сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони

тизимларнинг классик флаттерининг чизикли ва чизиксиз масалаларини ечишнинг математик моделларини, самарали ҳисоблаш алгоритмларини ва ечиш усулларини ишлаб чиқишга кенг қўлланилишини талаб этади.

Ушбу диссертация доирасида олиб борилган тадқиқотлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонида ва 2021 йил 10 февралдаги ПҚ-4986-сон «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини янада ривожлантиришга инвестицияларни жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида, Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 1 февралдаги 24-сон «Жойларда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида ва ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда кўрсатиб ўтилган вазифаларни бажаришга маяйян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Ушбу тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналишига мос равишда бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳонда учиш аппаратлари конструкциялари қовушқоқ-эластик элементларидаги динамик жараёнларини моделлаштириш муаммолари бўйича илмий-тадқиқот ишлари дунёнинг етакчи олимлари R.L. Bagley, E.Dowell, J. Edwards, G.L. Ghiringhelli, M.Terraneo, P. Guruswamy, J. Hassig, B.S. Shin, Y. Tang, W.Zhao, JunXu, E.П.Гроссман, P.M. Кристенсен, С.Д.Алгазин, А.Ильюшин, Б.Е.Победря, Ю.Н.Работнов, И.А. Биргер, Г.С.Писаренко, В.Л. Бидерман, Я.Г. Пановко ва бошқалар томонидан олиб борилган. Қовушқоқ-эластиклик назарияси асосида олинган ютуқлар охириги вақтларга тўғри келсада, чизикли тизимлар учун шакллантирилган назарияда Д.Максвелл, Т.Кельвин, В.Фойхт, Л.Больцман ва бошқа муаллифларнинг ҳиссалари катта.

Ўзбекистон Республикасида ҳам бу йўналишда илмий тадқиқот ишлари амалга оширилган. Бу ишларда қовушқоқ-эластиклик ворисли назариясининг интеграл ва интегро-дифференциал тенгламаларини ечишнинг замонавий усуллари ва қовушқоқ-эластик тизимларни моделлаштириш масалалари қаралган. Ушбу илмий йўналишда Ф.Б.Бадалов, Ҳ. Эшматов, Т. Бўриев, Т.Юлдашев, М. Юсупов, И.Сафаров, Б.Худаяров, А.Абдукаримов, У.Акбаров, Б.Усмонов ва уларнинг издошлари ўз ҳиссаларини қўшдилар ва қўшиб келмоқдалар.

Ушбу соҳадаги тадқиқотлар таҳлили ворисли-деформацияланадиган тизимлардаги жараёнларни моделлаштириш соҳасидаги муаммоларни ҳали етарлича ҳал қилинмаганлигини кўрсатди. Шунинг учун ҳам тузилмаларнинг деформацияланишининг чизикли ва ночизикли жараёнларини такомиллашган назария асосида моделлаштириш, ҳисоблаш усуллари ва алгоритм-

ларини ишлаб чиқиш ҳамда дастурий мажмуани яратиш зарурати туғилади. Компьютер технологияларининг жадал ривожланиши классик флаттер муаммосини ўрганиш бўйича анъанавий қарашларни қайта кўриб чиқишга, математик моделлаштиришга ва ҳисоблашнинг сонли усулларига янги қарашлар билан ёндашишга ундайди.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти илмий натижаларидан Бухоро муҳандислик-технология институтида Давлат илмий техника дастурлари доирасида бажарилган Ф-4-04 рақамли «Динамик юкланишлар таъсирида суюқлик оқувчи юпка ерости трубопроводларнинг эгри чизиқли соҳаларни динамик юкланишли деформация ҳолатини тадқиқот қилиш назариясини ривожлантириш ва усулларини ишлаб чиқиш» мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (2012-2016).

**Тадқиқотнинг мақсади** иккита эркинлик даражасига эга бўлган ворисли-деформацияланадиган тизимлар классик флаттерининг чизиқли ва чизиқсиз муаммоларини ҳал қилиш учун математик моделлар ва сонли алгоритмларни ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

материалларнинг қовушқоқ-эластик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ворисли-деформацияланадиган самолёт қанотининг эгилувчи-буралувчи флаттерининг муаммоларини ўрганиш учун математик модель, сонли ечиш усулларини ва алгоритминини ишлаб чиқиш;

қанот узунлиги бўйлаб экспериментал аниқланган эгилиши, буралиши бикирлиги ва массаси тақсимланган қанотнинг флаттер масаласини тадқиқ этиш ва ечиш учун сонли алгоритмларни ишлаб чиқиш;

иккита эркинлик даражасига эга бўлган ворисли-деформацияланувчи тизимлар классик флаттерининг чизиқли ва чизиқли бўлмаган масалаларини тадқиқ этиш;

ворисли-деформацияланувчи тизимлар флаттер тезлигига реологик ва геометрик параметрлар таъсирини баҳолаш, флаттернинг критик тезликларини аниқлаш ва таҳлил қилиш;

**Тадқиқотнинг объекти** тақсимланган параметрли ворисли-деформацияланувчи консоль қанотнинг эгилувчи-буралувчи флаттери ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети**ни чекли сондаги эркинлик даражасига эга бўлган ворисли-деформацияланувчи тизимларнинг чизиқли ва чизиқсиз классик флаттери масаласи, ҳисоблаш алгоритмлари ва компьютерда сонли ҳисоблашлар ўтказиш учун дастурий мажмуалар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Ворисли деформацияланувчи тизимларнинг деформация жараёнларини тадқиқ қилишда математик ва сонли моделлаштириш, алгоритмлаш, модулли ва тизимли, объектга йўналтирилган дастурлаш технологиялари, шунингдек сонли тажриба усуллари қўлланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

материалларнинг қовушқоқ-эластик хоссаларини ҳисобга олган ҳолда

ворисли-деформацияланувчи тизимларнинг эгиловчи-буралувчи флаттер масалаларини тадқиқ қилиш учун математик моделлар, сонли ечиш усули, ҳисоблаш алгоритми ишлаб чиқилган;

тақсимланган параметрли ворисли деформацияланувчи қанотнинг эгилиб-буралишдаги флаттер масаласи учун дифференциал ва вариацион усулда хусусий ҳосилали интегро-дифференциал тенгламаларга асосланган математик модель ишлаб чиқилган;

иккита эркинлик даражасига эга бўлган ворисли-деформацияланувчи тизимлар классик флаттерининг чизикли ва чизикли бўлмаган масалаларини ҳал учун математик модель ва сонли ечиш алгоритмлари ишлаб чиқилган;

ворисли-деформацияланувчи тизимлар флаттер тезлигига реологик ва геометрик параметрлар таъсирини баҳолаш, флаттернинг критик тезликларини аниқлаш ва таҳлил қилиш учун дастурий мажмуа ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат: ворисли-деформацияланувчи қанотнинг классик тебранишига доир чизикли ва чизикли бўлмаган масалалар ҳам марказлаштирилган, ҳам тақсимланган параметрларга эга бўлган ягона услубий позициядан ўрганиш имконияти кўрсатилган.

**Натижаларнинг ишончилиги** бошқа муаллифлар томонидан идеал эластик масала учун қўйилган бир қатор классик флаттер масалаларининг ечими билан таққослаш орқали таъминланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Самолётнинг ворисли-деформацияланувчи қаноти эгиловчи-буралувчи флаттерининг янги математик моделларини ишлаб чиқиш, шунингдек, флаттер масаласини ҳал қилиш учун ҳисоблаш алгоритмларини ишлаб чиқиш тадқиқот натижаларининг илмий аҳамиятини белгилайди.

Диссертация тадқиқотининг амалий аҳамияти самолётнинг ворисли-деформацияланувчи қаноти эгиловчи-буралувчи флаттерининг критик тезликларини ва реологик хусусиятларнинг оптимал қийматларини аниқлайдиган дастурий воситани ишлаб чиқиш билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Конструкциянинг турли хил физик ва реологик параметрларида флаттерни ўрганиш учун ишлаб чиқилган математик моделлар, ҳисоблаш алгоритмлари ва дастурий мажмуа асосида:

ворисли деформацияланувчи конструкцияларнинг эгиловчи-буралувчи флаттерининг математик модели асосида ишлаб чиқилган ҳисоблаш дастури «Тошкент механика заводи» АЖда жорий қилинган (Фуқаро авиацияси агентлигининг 2021 йил 20 октябрдаги 10-20/16-62-сонли сертификатлаштириш ва парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш бошқармаси маълумотномаси). Натижада дастур композит материалли конструкциялари флаттерининг критик тезлигини аниқлашда, элементларнинг мустаҳкамлигини таҳлил қилиш ва башорат қилишда қўлланилган, ишлаб чиқилган программа ҳисоблаш жараёнини 1,5 мартага, ҳисоблаш аниқлиги ва лойиҳалаш самарадорлигини 10-15% га ошириш

имконини берган;

иккита эркинлик даражасига эга бўлган ворисли-деформацияланувчи тизимлар классик флаттери чизиқли масалаларининг математик модели асосида ишлаб чиқилган дастур «Қўқонэлектрнуржахон» МЧЖдаги лойиҳа-конструкторлик фаолиятида жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги хузуридаги «Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси» ДУК нинг 2021 йил 14 октябрдаги 1337/01-06-сон маълумотномаси). Натижада ҳисоблаш дастурлари композит материаллардан тайёрланган тузилмаларнинг юкланишли-деформация ҳолатини аниқлашда, баҳолаш ва башорат қилишда фойдаланилиб, материалнинг ворисли-деформацияланадиган хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда реал конструкциялар элементлари мустаҳкамлигининг критик деформация тезлигини 2,5 мартагача камайтириш ва конструкция бузилишининг критик вақтини 1,7 мартагача ошириш имконини берган.

**Тадқиқот натижалари апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш эълон қилинган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 5 та илмий мақола, шу жумладан, 2 та республика ва 3 та хорижий журналларда чоп этилган, шунингдек 3 та ЭҲМ учун яратилган дастурий воситаларига қайд қилиш гувоҳномалари олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация 114 бетдан иборат бўлиб, кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмида** диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгиланган ҳамда тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, олинган натижаларнинг ишончлилиги келтирилган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилиши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Муаммонинг ўрганилиш ҳолати таҳлили. Конструкцияларнинг ворисли-деформацияланадиган элементларни математик моделлаштириш»** деб номланган биринчи боби 3 параграфдан иборат.

Биринчи параграфда деформация жараёнларини ва конструкциянинг ворисли-деформацияланадиган элементларини математик моделлаштиришга доир манбалар таҳлили келтирилган. Иккинчи параграфда учувчи аппаратлар

қанотларида флаттер ҳодисаси ва унинг эгилувчи-буралувчи тебраниш шакли билан боғлиқлиги тўлиқ тавсифланган. Учинчи параграфда аэроқовушқоқ-эластиклик муаммоларини ҳал қилишнинг мавжуд усуллари ҳақида маълумотлар келтирилган ва ушбу йўналишдаги тадқиқотлар учун муҳим масалалар санаб ўтилган.

Диссертациянинг «Самолётнинг ворисли-деформацияланган қанотининг эгилувчи-буралувчи тебраниши масаласини тўғридан-тўғри ва вариацион кўйилишида математик моделни қуриш» деб номланган иккинчи боби самолётнинг ворисли-деформацияланган қанотининг эгилувчи-буралувчи тебраниши масаласини ўрганиш учун математик моделларни ишлаб чиқишга бағишланган.

Қовушқоқ-эластик материаллардан тебраниш келтириб чиқарадиган ва демпфер сифатида конструкцияларда, хусусан, учувчи аппарат конструкциясида фойдаланиш сўнгги йилларда долзарб мавзуга айланган. Бундай масалаларнинг математик кўйилиши интегро-дифференциал тенгламаларни ечишга келтирилади.

Одатда самолёт қаноти турли ҳароратларда реологик, ворисли-деформацияланадиган хусусиятлари билан ёрқин ажралиб турадиган композит материаллардан тайёрланади. Бу хусусиятларни қанотни лойиҳалашда ҳисобга олмаслик нотўғри натижаларга олиб келади. Шунинг учун ворисли-деформацияланадиган тизимларнинг классик флаттери масаласини тўғри математик моделлаштириш ва масалани ҳал қилишнинг самарали усуллари ишлаб чиқиш жуда долзарб ҳисобланади.

Ушбу параграфда реологик хоссалари Больцман-Вольтернинг ворислик назарияси билан тавсифланган композит материалдан ясалган узун ёйилган қанотнинг тебраниш муаммоси кўриб чиқилган. Самолётнинг ворисли-деформацияланган қанотини эгилувчи-буралувчи тебранишларини тавсифловчи тенгламалар системаси тақлиф этилган:

$$\left. \begin{aligned} \frac{\partial^2}{\partial x^2} \left[ EI(1-R^*) \frac{\partial^2 W}{\partial x^2} \right] + m \frac{\partial^2 W}{\partial t^2} - m\bar{\sigma} \frac{\partial^2 \theta}{\partial t^2} &= 0, \\ -\frac{\partial}{\partial x} \left[ GI_d(1-R^*) \frac{\partial \theta}{\partial x} \right] - m\bar{\sigma} \frac{\partial^2 W}{\partial t^2} + I_m \frac{\partial^2 \theta}{\partial t^2} &= 0, \end{aligned} \right\} \quad (1)$$

уларнинг чегаравий ва бошланғич шартлари берилган:

$$\begin{aligned} W=0, W_x=0, \theta=0, \quad x=0 \text{ да,} \\ EIW_{xx}=0, [EIW_{xx}]_x=0, GI_d\theta_x=0, \quad x=\ell \text{ да,} \end{aligned} \quad (2)$$

$$W=W_0(x), W_t=\bar{W}_0(x), \theta=\theta_0(x), \theta_t=\bar{\theta}_0(x), \quad t=0 \text{ да.} \quad (3)$$

Бу ерда  $W$  – қанотнинг эгилиши;  $\theta$  – қанотнинг буралиши;  $m$  – қанотнинг чизиқли массаси;  $EI$  – эгилувчанликка қанот бикирлиги;  $GI_d$  – буралишга қанот бикирлиги;  $I_m$  – кўриб чиқилаётган кесимдаги бикирлик ўқиға нисбатан қанотнинг чизиқли масса инерция моменти;  $\bar{\sigma}$  – оғирлик маркази координатаси,  $R^*$  – Вольтернинг кучсиз-сингуляр интеграл оператори:

$$R^* f(t) = \int_0^t R(t-\xi) f(\xi) d\xi, \quad R(t-\xi) = \varepsilon e^{-\beta(t-\xi)} (t-\xi)^{\alpha-1}, \quad \varepsilon > 0, \beta > 0, 0 < \alpha < 1.$$

Ворисли-деформацияланадиган самолёт қанотининг эгилувчи-буралувчи тебранишлари масаласини ифодалайдиган (1) интегро-дифференциал тенгламалар системаси ва (2) чегаравий ҳамда (3) бошланғич шартлар билан биргаликда масаланинг тўғридан-тўғри математик модели ҳисобланади.

Масаланинг вариацион қўйилишида агар кинетик энергия ўрнига

$$T = \frac{1}{2} \int_0^{\ell} m W_t^2 dx + \frac{1}{2} \int_0^{\ell} I_m \theta_t^2 dx - \int_0^{\ell} m \bar{\sigma} W_t \theta_t dx, \quad (4)$$

потенциал энергия ўрнига

$$\Pi_y = \frac{1}{2} \int_0^{\ell} EI W_{xx}^2 dx + \frac{1}{2} \int_0^{\ell} GI_d \theta_x^2 dx \quad (5)$$

ва қовушқоқ-потенциал энергия ўрнига

$$\Pi_B = \int_0^{\ell} EI W_{xx} R^* W_{xx} dx + \int_0^{\ell} GI_d \theta_x R^* \theta_x dx \quad (6)$$

тенгликлар киритилса, у ҳолда Остроградский-Гамильтоннинг принципига мувофиқ, тўла энергия функционали минимумини аниқлаш масаласи қўйилганда қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$I = \int_{t_1}^{t_2} (\Pi_y - \Pi_B - T) dt = \int_{t_1}^{t_2} \int_0^{\ell} F(W_t, \theta_t, \theta_x, W_{xx}) dx dt, \quad (7)$$

бунда

$$F = \frac{1}{2} \left[ EI (W_{xx} - 2R^* W_{xx}) W_{xx} + GI_d (\theta_x - 2R^* \theta_x) \theta_x - (m W_t^2 + I_m \theta_t^2 - 2m \bar{\sigma} W_t \theta_t) \right].$$

(7) функционал минимуми, яъни

$$-\frac{d}{dt} \frac{\partial I}{\partial W_t} + \frac{d^2}{dx^2} \frac{\partial I}{\partial W_{xx}} = 0,$$

$$\frac{d}{dt} \frac{\partial F}{\partial \theta_t} + \frac{d}{dx} \frac{\partial F}{\partial \theta_x} = 0,$$

система масаланинг тўғридан-тўғри қўйилишини тавсифлайди.

Шундай қилиб, чегаравий (2) ва бошланғич (3) шартларни қаноатлантирадиган (7) функционал минимумини топиш ворисли-деформацияланувчи самолёт қанотининг эгилувчи-буралувчи тебранишлари масаласининг вариацион математик моделини беради.

(5) тенгликда биринчи ҳадлар эгилувчанликни; иккинчи ҳадлар буралишнинг эластик потенциал энергиясини; (6) тенгликда эса мос равишда стерженнинг қовушқоқ потенциал энергиясини беради.

Аниқланган (7) тўлиқ энергия функционали ҳаво оқимидаги ворисли-деформацияланган қанотнинг тебранишларини ўрганишда ишлатилди.

Ушбу масалани ҳал қилиш учун Ритцнинг вариацион усули қўлланилди. Ушбу усул ёрдамида ворисли-деформацияланган самолёт қанотининг эгилювчи-буралувчи тебранишлари масаласининг дискрет модели курилди. Флаттерда тебранишларнинг шакллари аниқлаш учун бўшлиқда фақат буралувчи ва соф эгилювчан тебранишларнинг стандарт функцияларидан фойдаланилди.

Бобнинг учинчи параграфда кучсиз сингуляр интегро-дифференциал тенгламалар системасини сонли ечиш ва критик тезликларни аниқлаш усуллари берилган. Ушбу усул ёрдамида биринчи параграфда қўйилган масалага мос келадиган чизиқли рекуррент алгебраик тенгламалар системаси ҳосил қилинган:

$$\begin{aligned} \sum_{k=1}^N \left[ \left( A_{kj} + PC_{kj} \frac{\Delta t}{2} \right) q_k(t_n) - \left( B_{kj} + PF_{kj} \frac{\Delta t}{2} \right) r_k(t_n) \right] &= \sum_{k=1}^N \left[ \left( A_{kj} + PC_{kj} t_n \right) q_k(0) - \right. \\ &- \left. \left( B_{kj} + PF_{kj} t_n \right) r_k(0) \right] + P \sum_{i=0}^{n-1} A_i \sum_{k=1}^N \left[ F_{kj} r_k(t_i) - C_{kj} q_k(t_i) \right] + \sum_{i=0}^{n-1} A_i (t_n - t_i) \times \\ &\times \sum_{k=1}^N \left[ P^2 \Gamma_{kj} r_k(t_i) - D_{kj} \left( q_k(t_i) - \frac{\varepsilon}{\alpha} \sum_{\ell=0}^i B_{\ell} e^{-\beta t_{\ell}} q_k(t_{i-\ell}) \right) \right], \end{aligned} \quad (9)$$

$$\begin{aligned} \sum_{k=1}^N \left[ - \left( \bar{A}_{kj} - P \bar{C}_{kj} \frac{\Delta t}{2} \right) q_k(t_n) + \left( \bar{B}_{kj} - P \bar{F}_{kj} \frac{\Delta t}{2} \right) r_k(t_n) \right] &= \sum_{k=1}^N \left[ \left( -\bar{A}_{kj} + P C_{kj} t_n \right) q_k(0) + \right. \\ &+ \left. \left( \bar{B}_{kj} - P \bar{F}_{kj} t_n \right) r_k(0) \right] + P \sum_{i=0}^{n-1} \bar{A}_i \sum_{k=1}^N \left[ \bar{F}_{kj} r_k(t_i) - \bar{C}_{kj} q_k(t_i) \right] + \sum_{i=0}^{n-1} \bar{A}_i (t_n - t_i) \times \\ &\times \sum_{k=1}^N \left[ P^2 \bar{\Gamma}_{kj} r_k(t_i) - \bar{D}_{kj} \left( r_k(t_i) - \frac{\varepsilon}{\alpha} \sum_{\ell=0}^i B_{\ell} e^{-\beta t_{\ell}} r_k(t_{i-\ell}) \right) \right]. \end{aligned}$$

Бунда

$$\begin{aligned} A_{kj} &= \int_0^1 m f_k f_j dx, \quad B_{kj} = \int_0^1 m \sigma \phi_k f_j dx, \quad C_{kj} = \int_0^1 a_{13} b f_k f_j dx, \\ F_{kj} &= \int_0^1 a_{12} b^2 \left( \frac{3}{4} - \frac{x_0}{b} \right) \phi_k f_j dx, \quad \Gamma_{kj} = \int_0^1 a_{11} b \phi_k f_j dx, \quad D_{kj} = \int_0^1 \left[ EI \frac{d^2 f_k}{dx^2} \right]_{xx} f_j dx \end{aligned} \quad (10)$$

$$\bar{A}_{kj} = \int_0^1 m a_{12} f_k \phi_j dx, \quad \bar{B}_{kj} = \int_0^1 a_{13} I_m \phi_k \phi_j dx, \quad \bar{C}_{kj} = \int_0^1 \frac{a_{15} h_0}{b} f_k \phi_j dx,$$

$$\bar{F}_{kj} = \int_0^1 \frac{a_2 a_{15}}{\sigma_0} \phi_k \phi_j dx, \quad \bar{\Gamma}_{kj} = \int_0^1 a_{14} \phi_k \phi_j dx, \quad \bar{D}_{kj} = \int_0^1 \left[ GI_d \frac{d\phi}{dx} \right]_x \phi_j dx.$$

$$\bar{GI}_d = \frac{GI_d}{GI_d^{(0)}}, \quad \bar{m} = \frac{m}{m_0}, \quad \bar{\sigma} = \frac{\bar{\sigma}}{\sigma_0}, \quad \bar{I}_m = \frac{I_m}{I_m^{(0)}}, \quad \bar{x} = x\ell, \quad \bar{EI} = \frac{EI}{EI_0}, \quad \bar{t} = \frac{t}{t_0}, \quad \bar{t}_0 = \sqrt{\frac{m_0}{EI_0}} \ell^2, \quad u = \sigma_0 \theta,$$

$$P^2 = \frac{V^2 m_0 \sigma_0^2}{GI_d^0}, \quad \chi = \frac{G_0 I_d^{(0)}}{E_0 I_0} \left( \frac{\ell}{\sigma_0} \right)^2, \quad a_3 = \frac{I_m^{(0)}}{m_0 \sigma_0^2}, \quad \beta = \frac{1}{C_y}, \quad a_{11} = \frac{4\chi\ell}{\mu\sigma_0}, \quad a_{12} = \frac{4\sqrt{\chi}b_0}{\mu\sigma_0}, \quad a_{13} = \frac{4\sqrt{\chi}}{\mu},$$

$$a_{21} = \beta a_{11} \frac{b_0}{\sigma_0}, a_{22} = \beta a_{22} \frac{b_0}{\sigma_0}, a_{22} = \beta a_{12} \frac{b_0}{\sigma_0}, a_{23} = -\beta a_{13} \frac{b_0}{\sigma_0}.$$

(9) тенгламалар системасини (10) коэффициентлар аниқлагандан сўнг ечиш мумкин, бунинг учун тебраниш шакллари аниқлайдиган  $f_k$  ва  $\phi_k$  координата функцияларини билиш зарур.  $f_k, f''_k, \phi_k, \phi'_k$  ва бикирлик характеристикаларини (10) га қўйиб, ҳамда трапеция усули билан ЭХМда  $A_{kj}, B_{kj}, \dots$  коэффициентларини аниқлаб, (9) рекуррент тенгламалар системаси ҳосил қилинади. Шундан сўнг ушбу система Гаусс усули билан ечилади.

Диссертациянинг учинчи «Қовушқоқ-эластикликнинг баъзи бир масалаларини сонли ечиш ва таҳлил қилиш» боби қовушқоқ-эластикли осилиб турувчи қанот профилининг динамик турғунлиги ва чизиксиз тебранишлари, қаттиқ маҳкамланмаган узайтирилган пластинканинг динамик аэротурғунлиги масалалари ва узлуксиз бўйламага эга бўлган ворисли-деформацияланувчи қанот профили флаттерига гамма функциянинг таъсирини тадқиқ қилишга бағишланган.

Биринчи параграфда қовушқоқ-эластик осилиб турувчи қанот профилининг динамик турғунлиги ва чизиксиз тебранишлари тадқиқ қилинган. Ушбу масалани ечиш учун профил конструкцияси ҳаракатини ифодалайдиган математик модель ишлаб чиқилган бўлиб, у қуйидаги  $W|_{t=0}=W_0, \frac{\partial W}{\partial t}|_{t=0}=\bar{W}_0, U|_{t=0}=U_0, \frac{\partial U}{\partial t}|_{t=0}=\bar{U}_0$  бошланғич шартларга эга бўлган

$$\begin{aligned} \frac{\partial^2 W}{\partial t^2} + \theta_1(1-R^*) \left[ (W - \gamma W^3) + \frac{\theta_2}{\theta_1} (U - \gamma_2 U^3) \right] &= 0, \\ \frac{\partial^2 U}{\partial t^2} + \left( \frac{b}{2} \right)^2 (1-R^*) \left[ (W - \gamma W^3) + \frac{\theta_2}{\theta_1} (U - \gamma_2 U^3) \right] &= 0. \end{aligned} \quad (11)$$

чизиксиз интегро-дифференциал тенгламалар системаси кўринишида ифодаланади.

Бу ерда  $\theta_1 = 1 + (b/2)^2; \theta_2 = \chi(b/2)^2; bh = u; \alpha = w; \bar{t} = \sqrt{(c_1/m)t}; \chi = c_2/(c_1 b^2); \gamma, \gamma_2$  – чизиксизлик параметрлари;  $c_i$  – инерция коэффициенти;  $c_{11} = m; c_{12} = c_{21} = -mb; c_{22} = m(r^2 + b^2); c_{11} = c_1$  ва  $c_{22} = c_2$ .

(11) тенгламалар системасини ечиш учун чизикли рекуррент алгебраик тенгламалар системасига асосланган, Ф.Бадалов томонидан ишлаб чиқилган интегро-дифференциал тенгламаларнинг кучсиз махсуслигини йўқотиш усулидан фойдаланамиз:

$$\begin{aligned} W_n = W_0 - \sum_{j=0}^{n-1} C_j (t_n - t_j) \left\{ \theta_1 (W_j - \gamma W_j^3) + \theta_2 (U_j - \gamma U_j^3) - \right. \\ \left. - \frac{\varepsilon}{\alpha} \sum_{k=0}^j B_k e^{-\beta t_k} \left( \theta_1 (W_{j-k} - \gamma W_{j-k}^3) + \theta_2 (U_{j-k} - \gamma U_{j-k}^3) \right) \right\}, \end{aligned}$$


$$U_n = U_0 - (b/2)^2 \sum_{j=0}^{n-1} C_j (t_n - t_j) \left\{ \theta_1(W_j - \gamma W_j^3) + \chi(U_j - \gamma U_j^3) - \right. \\ \left. - \frac{\varepsilon}{\alpha} \sum_{k=0}^j B_k e^{-\beta t_k} \left( (W_{j-k} - \gamma W_{j-k}^3) + \chi(U_{j-k} - \gamma U_{j-k}^3) \right) \right\}, \quad (12)$$

бу ерда  $t_n = n\Delta t$ ,  $W(t_n) = W_n$ ,  $U(t_n) = U_n$ ,  $C_j = \Delta t$ ,  $j = 1, n-1$ ,  $C_0 = C_n = \frac{\Delta t}{2}$ ,

$$B_k = \frac{\Delta t^a}{2} \left[ (k+1)^a - (k-1)^a \right], \quad k = 1, j-1 \quad B_0 = \frac{\Delta t^a}{2}, \quad B_j = \frac{\Delta t^a}{2} \left[ j^a - (j-1)^a \right].$$


(12) чизикли рекуррент алгебраик тенгламалар кўринишидаги системани ечиш орқали  $i = \overline{1, N}$ ;  $n = 1, 2, \dots$  лар учун  $W, U$  функцияларнинг сонли қийматларини олиш мумкин.

Ушбу параграфда вариацион методнинг қовушқоқ-эластиклик масалаларига қадамма-қадам вақт бўйича интеграллаш усулини қўллаш мумкинлиги кўрсатиб берилган. Материалнинг кучланиш-деформацияланиш муносабати учун Абель типдаги кучсиз махсусликка эга бўлган ворисли қонунга бўйсунган релаксация ядросидан фойдаланилган.



**1-расм. Идеаль эластик қанот модели учун вақт шкаласи.**

$$\chi = 0.9; (r/b)^2 = 0.44; \varepsilon = 0.0; \\ \alpha = 0.0; \beta = 0.0; \Delta t = 0.1$$




**2-расм. Идеаль қовушқоқ-эластик қанот модели учун вақт шкаласи.**

$$\chi = 0.9; (r/b)^2 = 0.44; \varepsilon = 0.2; \\ \alpha = 0.25; \beta = 0.05; \Delta t = 0.1$$

Ворисли деформацияланадиган осилиб турувчи қанот профили учун чизиксиз интегро-дифференциал тенгламаларни ечишнинг умумий жараёнлари шакллантирилган ва таҳлил қилинган.

Олинган натижалар асосида қовушқоқлик  $\varepsilon$  параметрини тебранишларнинг амплитудаси ва даврига таъсир кўрсатиши аниқланди. Параметрга қиймат берилганда тебраниш эгри чизиғи биқирлик эффектини кўрсатди. Бироқ қовушқоқлик  $\varepsilon$  параметрининг ортиб бориши билан иккала ҳолатда ҳам силжиш тезроқ камайди. Бошқа сўз билан айтганда, эркин тебранишларнинг қовушқоқлик параметри ортиб бориши билан тез сўниши аниқланди (1-4-расм).



**3-расм. Чизикли эластик Голланд қанот модели учун вақт шкаласи.**

$$\chi = 0.9; (r/b)^2 = 0.44; \varepsilon = 0.0; \\ \alpha = 0.0; \beta = 0.0; \Delta t = 0.1$$

Иккинчи параграфда классик флаттернинг кўпгина масалаларидан бири – қаттиқ маҳкамланмаган узайтирилган пластинканинг динамик аэротурғунлиги масаласи қаралган. Бу масалада горизонтал силжишлар мавжуд эмас ва иккита эркинлик даражаси мавжуд деб қаралган, яъни тизимнинг ҳолати иккита координата бўйича бурилиш бурчаги  $\varphi = \varphi(t)$  ва вертикал силжиш  $W = W(t)$  билан тавсифланади.

Пластинка узунлигини текисликка перпендикуляр йўналишда  $\ell$  билан, кўрсатилган йўналиш бўйича пластинка узунлиги бирлигига нисбатан маҳкамлагичнинг оний бикирлиги коэффицентларини  $c_1$  ва  $c_2$  орқали, пластинканинг ўртасига нисбатан юза бирлигига мос келадиган массани  $m$  орқали белгилаймиз.

Ушбу ҳолатда пластинканинг ўнг четидан маълум бир масофада қўйилган кўтарувчи кучларни қуйидагича кўринишда

$$Y = C_y^a b \ell \rho \left( V^2 \varphi - V \frac{\partial W}{\partial t} \right) / 2, \quad (13)$$

ёзиш мумкин; бу ерда  $\rho$  – ҳаво зичлиги;  $C_y^a$  – кўтарувчи кучларнинг аэродинамик коэффиценти;  $W(x, t)$  – деформацияланадиган қанотнинг эгилиши;  $\varphi(t)$  – бурилиш бурчаги;  $V$  – оқим тезлиги;  $\ell$  - пластинка узунлиги,  $b$  – пластинка кенглиги.


Агар ворисли-деформацияланувчи маҳкамлагичлар реакцияси бурилиш бурчаги ва пластинка четларига нисбатан чизиксиз боғлиқ, деб фараз қилсак, у ҳолда

$$R_1 = -\ell c_1 (1 - R^*) \left[ \left( W + \frac{b\varphi}{2} \right) - \gamma \left( W + \frac{b\varphi}{2} \right)^3 \right]; \quad R_2 = -\ell c_2 (1 - R^*) \left[ \left( W - \frac{b\varphi}{2} \right) - \gamma \left( W - \frac{b\varphi}{2} \right)^3 \right] \quad (14)$$

га эга бўламиз, бунда  $R^* f(t) = \int_0^t R(t - \xi) f(\xi) d\xi$  - ворислик ядроси бўлиб, Абель

типидаги кучсиз сингуляр махсусликка эга, яъни  $R(t) = \varepsilon e^{-\beta t} t^{\alpha-1}$ ,  $0 < \alpha < 1$ .

Юқоридагилардан фойдаланиб, ҳаракатнинг интегро-дифференциал тенгламаларини тузамиз ва баъзи ўзгарувчиларни



**4-расм. Чизикли қовушқоқ эластик Голланд қанот модели учун вақт шкаласи.**

$$\chi = 0.9; (r/b)^2 = 0.44; \varepsilon = 0.2; \\ \alpha = 0.25; \beta = 0.05; \Delta t = 0.1$$

$b\varphi = u$ ,  $\bar{t} = \sqrt{c_1 / (mb)}t$ ,  $V = \sqrt{2c_1 / C_y^\alpha} N$ ,  $\chi = \sqrt{C_y^\alpha \rho b / (2m)}$ ,  $a / b = \theta$   
каби белгилаб ва ўлчовсиз ўзгарувчиларга ўтиб,

$$b = b_0 \bar{b}, \quad u = b_0 \bar{u}, \quad W = b_0 \bar{W}, \quad b_0^2 \gamma = \bar{\gamma},$$

қуйидаги


$$W|_{t=0} = W_0, \quad \frac{\partial W}{\partial t}|_{t=0} = \bar{W}_0, \quad u|_{t=0} = u_0, \quad \frac{\partial u}{\partial t}|_{t=0} = \bar{u}_0 \quad (15)$$

бошланғич шартлар билан


$$\begin{aligned} \frac{\partial^2 W}{\partial t^2} + (1 - R^*) \left[ \left( W + \frac{u}{2} \right) - \gamma \left( W + \frac{u}{2} \right)^3 \right] + \\ + \frac{c_2}{c_1} (1 - R) \left[ \left( W - \frac{u}{2} \right) - \gamma \left( W - \frac{u}{2} \right)^3 \right] - N^2 u + \chi N \frac{\partial W}{\partial t} = 0, \quad (16) \\ \frac{\partial^2 u}{\partial t^2} + 6(1 - R^*) \left[ \left( W + \frac{u}{2} \right) - \gamma \left( W + \frac{u}{2} \right)^3 \right] + 6 \frac{c_2}{c_1} (1 - R) \times \left[ \left( W - \frac{u}{2} \right) - \gamma \left( W - \frac{u}{2} \right)^3 \right] + \\ + 6(1 - 2\theta)(N^2 u - \chi N \frac{\partial W}{\partial t}) = 0 \end{aligned}$$

чизиксиз интегро-дифференциал тенгламалар системасини оламиз.

Юқоридаги тенгламалар системасини ҳисоблаш алгоритми ёрдамида сонли ечиш учун математик таъминот ишлаб чиқилди. Ҳисоблашлар аэродинамик демпферни ҳисобга олган ва олмаган ҳолда чизикли ва чизиксиз идеаль эластик ҳамда чизикли ва чизиксиз идеаль қовушқоқ-эластик ҳолатлар учун амалга оширилди (5,6-расм).



**5-расм.** Аэродинамик демпферни ҳисобга олган ҳолда чизикли идеаль эластик ҳолат учун вақт бўйича функциянинг ўзгаришини тавсифловчи эгри чизик  $\varepsilon = 0.0$ ;  $\alpha = 0.25$ ;  $\beta = 0.05$ ;  $\gamma = 0$ ;  $\chi = 1.4$



**6-расм.** Аэродинамик демпферни ҳисобга олган ҳолда чизикли идеаль қовушқоқ-эластик ҳолат учун вақт бўйича функциянинг ўзгаришини тавсифловчи эгри чизик.  $\varepsilon = 0.1$ ;  $\alpha = 0.25$ ;  $\beta = 0.05$ ;  $\gamma = 0$ ;  $\chi = 1.4$


Олинган натижалардан идеаль эластик ҳолатда критик флаттер тезлигининг ошиб кетиши конструкциянинг дарҳол бузилишини аниқлаш мумкин, ҳолоқат фақат маълум бир муддатдан кейин содир бўлиши ва чарчаш тавсифига эга бўлиши аниқланди. Конструкциянинг кутиладиган хизмат қиладиган вақтини аниқлаш учун флаттер соҳасида материалнинг

чизиксиз ва ворисли-деформацияланувчи хоссаларини ҳисобга олган ҳолда тебранишларнинг амплитудасини аниқлаш зарур бўлади. Идеаль эластик яқинлашиш усуллари билан аниқланадиган критик тезлик реалъ конструкциялар учун чизикли, чизиксиз эластик масалалар учун критик тезликларнинг юқори чегараси билан аниқланади.


Ушбу бобнинг сўнгги параграфиди ўзгармас  $V$  тезликка эга ҳаво оқимиға жойлаштирилган ворисли деформацияланувчи узлуксиз бўйламали қанот профили тебраниши ўрганилган. Масала учун профил ҳаракатини тавсифлайдиган кучсиз сингулярликка эга бўлган интегро-дифференциал тенгламалар системаси тузилган бўлиб, бу тенгламалар системаси профилнинг газ оқимидаги динамик мувозанатини ифодалайди. Ушбу тизим иккита эркинлик даражасига эга деб қаралган.

Ушбу масалада ядро ўрниға гамма-функция орқали аниқланган муносабатлардан фойдаланилган:

$$R_c = \int_0^{\infty} \varepsilon e^{-\beta\xi} \xi^{\alpha-1} \cos \omega\xi d\xi = \varepsilon \frac{\Gamma[\alpha] \cos \alpha\theta}{[\beta^2 + \omega^2]^{\frac{\alpha}{2}}}; R_s = \int_0^{\infty} \varepsilon e^{-\beta\xi} \xi^{\alpha-1} \sin \omega\xi d\xi = \varepsilon \frac{\Gamma[\alpha] \sin \alpha\theta}{[\beta^2 + \omega^2]^{\frac{\alpha}{2}}}.$$



**7-расм. Частота ва  $g$  демпфер коэффициентининг тезликка нисбати ( $\varepsilon = 0$  да)**



**8-расм. Частота ва  $g$  демпфер коэффициентининг тезликка нисбати ( $\varepsilon = 1$  да)**

Олинган натижаларға (7- ва 8-расм) асосланиб, қуйидаги хулосалар қилинди:

агар гамма-функция флаттер тезлигига таъсир кўрсатмаса, у ҳолда тизим турғунликка эга бўлмайди;

агар ўзида ички кучни ва буралиш моментини сақлаб қолувчи гамма-функция эффеќти қўлланилса, унда бикирлик матрицаси ўзгаради, у ҳолда қовушқоқлик ортиб бориши билан тебранишлар частотаси камайиб боради. Шу билан бирга қовушқоқлик ортиши билан унга мос ҳолда флаттер тезлигининг ҳам ортиши аниқланди.

Диссертациянинг тўртинчи **«Ворисли-деформацияланувчи самолёт қанотининг эгилувчи-буралувчи тебраниши масалаларининг дастурий мажмуасини ишлаб чиқиш»** бобида олдинги бобларда ишлаб чиқилган учувчи аппаратлар конструкцияларининг ворисли-деформацияланадиган элементларининг эгилувчи-буралувчи тебранишлари масалаларини ҳисоблаш ва таҳлил қилишга мўлжалланган математик моделлар асосида компьютер ҳисоблаш тажрибаларини ўтказиш бўйича кўрсатмалар тўплами тавсифланади.

Амалий масалаларини ҳал қилишда керакли маълумотларини киритиш орқали ишлаб чиқилган ҳисоблаш алгоритмлари ёрдамида ҳисоб-китобларни олиб бориш имкони берувчи дастурлар мажмуи яратилган. Яратилган дастурий комплекс модулли тузилишга эга ва алоҳида модулларни кенгайтириш ҳамда алмаштириш имконини беради. Дастур мажмуаси ишини бошқаришда монитор дастури (Асосий меню) мавжуд. У фойдаланувчи сўрови асосида тегишли модулни ишга туширади.

Дастурий мажмуани ишлаб чиқишда қуйидаги босқичлар аниқлаб олинди:


- ҳал қилиш усули ва стратегиясини танлаш (қўйилган вазифани ҳал қилиш учун дастурлаш воситасини аниқлаш);
- маълумотларни ички эълон қилиш шаклини танлаш (ички маълумотларнинг жисмоний ва мантиқий тузилишини аниқлаш);
- асосий алгоритмни ишлаб чиқиш (ушбу масаланинг математик модели учун алгоритм яратиш);
- Тестлар танлаш ва ўтказиш (синов учун дастлабки маълумотларни аниқлаш);
- чиқиш маълумотларини тақдим этиш шаклини танлаш (маълумотларни визуаллаштириш, олинган натижаларни файл сифатида сақлаш).

Ҳар бир ойнанинг кўринишини ифодалаш учун интерфейслар шаклининг макети ва дастлабки маълумотларни киритиш учун ўзгарувчилар рўйхати тузилди ҳамда ушбу ойнада кўрсатиладиган графиклар аниқланди.

Дастурий мажмуани ишлаб чиқишда дастур ишга туширилганда ишлатиладиган ўзгарувчилар рўйхати тузилди ва уларнинг ўзаро боғлиқлигини аниқланди. Шунингдек, қайта ишлаш ва сақлаш учун ушбу маълумотларнинг жисмоний тузилиши белгиланди. Ўзгарувчиларни эълон қилишда асосан ҳақиқий типдаги ўзгарувчилар ишлатилди. Матрицанинг элементлари ҳам ҳақиқий типдаги ўзгарувчилар сифатида эълон қилинади.

Олинган натижаларни тасвирлаш учун график кутубхоналардан фойдаланилди. Кўйилган масаланинг сонли ечимларини сақлаш учун \*.pdf, \*.jpg, \*.xlsx, \*.txt и \*.mat файл кенгайтмалари кўлланилди.

Дастурий мажмуа архитектураси куйидаги шаклда тузилган (9-расм):



9-расм. Дастурий комплекс архитектураси

Иккинчи параграфда иккинчи бобда аниқланган ворисли-деформацияланадиган конструкцияларнинг классик флаттери масалаларининг математик модели ва ҳисоблаш алгоритми асосида уни компьютерда реализация қилиш муаммолари кўриб чиқилган.

Ушбу бобнинг охириги параграфидида иккинчи ва учинчи модулни дастурлаш жараёни тасвирланган. Иккинчи ва учинчи модулни ишлаб чиқишда, ворисли-деформацияланадиган осмаларда қанот профилининг тебранишини таҳлил қилиш ва гамма-функциясининг флаттер тезлигига таъсирини ўрганишга мўлжалланган математик моделлардан фойдаланилди.

## ХУЛОСА

«Учиш аппаратлари конструкцияларининг ворисли-деформацияланувчи элементларини математик моделлаштириш» мавзусидаги диссертация ишида олиб борилган тадқиқот давомида куйидаги хулосалар шакллантирилди:

1. Иккита эркинлик даражасига эга бўлган ворисли деформацияланувчи тизимлар учун классик флаттернинг чизиқли ва чизиқсиз масалаларининг математик модели, ягона алгоритми ва тадқиқот услубиёти ишлаб чиқилди.

2. Таклиф этилган алгоритм MatLab дастурлаш тилида дастурий комплекс сифатида реализация қилинган. Ҳисоблаш тажрибаларига асосланиб хусусиятлар рўйхати тузилди, бу флаттернинг чизиқли ва чизиқсиз масалаларида критик тезликни аниқлаш имконини беради. Натижаларнинг

ишончилиги бошқа муаллифлар томонидан идеал эластик ҳолат учун аниқланган бир қатор классик флаттер масалаларининг ечимлари билан таққослаш орқали таъминланди.

3. Ишлаб чиқилган усул ёрдамида иккита эркинлик даражасига эга бўлган ворисли-деформацияланадиган конструкциялар классик флаттерининг бир қатор чизиқли бўлмаган масалалари, шунингдек, самолёт қанотининг эгилувчи-буралувчи тебранишлари тадқиқ қилинди. Классик флаттернинг критик тезлигига қанот турли профиллари, физик ночизиқлик, аэродинамик кучларнинг демпфер ҳадлари, реологик параметрларнинг таъсири ўрганилди.

4. Материалнинг ворисли-деформацияланадиган хусусиятларини ҳисобга олиш критик тезликни деярли 2,5 марта пасайишига ва флаттер критик вақтининг 1,7 мартага оширишига олиб келиши аниқланди.

5. Ҳисоблаш тажрибалари асосида  $\beta$  ворислилиқ ядроси параметри бошқа параметрларга нисбатан флаттер критик тезлигига сезилмас таъсир кўрсатиши аниқланди. Бундан эса релаксация ядроси материалнинг қовушқоқ-эластик хусусиятларини тўлиқ тавсифлай олмаслигидан далолат беради. Сингулярлик параметри  $\alpha$  нинг ёки қовушқоқлик параметри  $\varepsilon$  нинг флаттер критик тезлигига таъсир даражаси юқори эканлиги аниқланди.

6. Эркин эгилувчи-буралувчи тебранишларнинг сусайиш тезлиги қурилиш материалининг реологик параметрларига сезиларли даражада боғлиқ эканлиги аниқланди. Сингулярлик кўрсаткичининг камайиши тизимнинг ички энергияни ютиши коэффициентининг ошишига олиб келади ва шунинг учун ҳам амалиётда тизимнинг эркин тебранишлари маълум бир вақтдан сўнг йўқолиши кузатилади, бу эса авиация-космик техникада ишлатиладиган тебранадиған конструкция материалларининг демпфер хусусиятларини оптималлаштиришга янги имкониятлар беради.

7. Парвознинг кичик тезлигида мувозанат ҳолати яқинида хос сўнувчи тебранишлар содир бўлиши, парвоз тезлигининг ортиши билан тебраниш жараёни аста-секин ортиб борувчи амплитудалар мувозанат ҳолатидан бироз юқорида содир бўлиши аниқланди.

8. Идеал эластик ҳолатда флаттер критик тезлигини оширилиши билан кўчиш ва деформацияларнинг маълум вақтдан кейин ортиши аниқланди. Ҳаво оқимида куч факторларини максимал қиймати қанотнинг геометрик параметрларига, конструкцияларнинг ворисли деформацияланувчи материаллари хусусиятларига боғлиқлиги кўрсатилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.13/30.12.2019.Т.07.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ  
ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ ИНФОРМАЦИОННЫХ  
ТЕХНОЛОГИЙ**

**РАХИМОВ КУВВАТАЛИ ОРТИКОВИЧ**

**МАТЕМАТИЧЕСКОЕ МОДЕЛИРОВАНИЕ НАСЛЕДСТВЕННО-  
ДЕФОРМИРУЕМЫХ ЭЛЕМЕНТОВ КОНСТРУКЦИЙ  
ЛЕТАТЕЛЬНЫХ АППАРАТОВ**

05.01.07 – Математическое моделирование. Численные методы и комплексы программ

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ  
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2022**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2020.4.PhD/T1102.

Диссертация выполнена в Ташкентском университете информационных технологий.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета ([www.tuit.uz](http://www.tuit.uz)) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

**Научный руководитель:** Усмонов Ботир Шукурллаевич,  
кандидат технических наук, доцент

**Официальные оппоненты:** Полатов Асхад Мухаммеджонович,  
доктор физико-математических наук, профессор

Анарова Шахзода Аманбаевна,  
доктор технических наук, доцент

**Ведущая организация:** Ташкентский государственный транспортный университет

Защита диссертации состоится «28» января 2022 г. в 16<sup>00</sup> часов на заседании научного совета DSc.13/30.12.2019.T.07.01 при Ташкентском университете информационных технологий. (Адрес: 100202, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Ташкентский университет информационных технологий. Тел.: (99871) 238-64-43; факс: (99871) 238-65-52; e-mail: [tuit@tuit.uz](mailto:tuit@tuit.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского университета информационных технологий (регистрационный номер № 239). (Адрес: 100202, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-65-44).

Автореферат диссертации разослан «15» января 2022 года.  
(реестр протокола рассылки № 52 от «7» января 2022 года.)

**Р.Х. Хамдамов**  
Председатель научного совета по присуждению  
ученых степеней, доктор технических наук, профессор

**Ф.М. Нуралиев**  
Ученый секретарь научного совета по присуждению  
ученых степеней, доктор технических наук, доцент

**Ш.А. Садуллаева**  
Председатель научного семинара при научном совете  
по присуждению ученых степеней,  
доктор физико-математических наук, доцент



## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире существует множество проблем, таких как деформация, долговечность, вибрация и динамическая устойчивость конструкций из композиционных материалов и изучение этих проблем является важной задачей. Изучение этих проблем в контексте композиционных материалов помогает решать многих проблем аэрокосмической промышленности, таких как вес, прочность и надежность объекта при разработке и проектировании. В мире, в том числе в США, Италии, Китае, Турции, Индии, Российской Федерации и других странах, особое внимание имеют задачи разработки математических моделей, вычислительных алгоритмов, а также прикладных программных комплексов для численного исследования колебательных процессов материала в конструкциях.

В настоящее время в мире повышен интерес к созданию моделей и разработки алгоритмов для сравнительной оценки прочностных характеристик материалов, используемых при проектировании конструкции летательных аппаратов. Поэтому развитие такого направления требуют эффективной методики расчетов и алгоритма при расчете уникальных элементов конструкции. Интерес к проблемам деформирования, долговечности, вибрационной и динамической устойчивости конструкций из композиционных материалов обусловлен тем, что они являются основными несущими элементами в конструкции и др. Высокий спрос на надежные элементы конструкции из современных композиционных материалов в машиностроении требует совершенствования математических и механических моделей вязкоупругих систем. Поэтому разработка эффективных алгоритмов для решения нелинейных задач вибрационной и динамической устойчивости стала одним из приоритетных направлений механики композиционных материалов. Многие константы композиционных материалов связаны с их вязкоупругими свойствами.

В настоящее время в Узбекистане уделяется особое внимание к повышению прочности и эффективности материалов, используемых в конструкциях летательных аппаратов, реализуются широкомасштабные мероприятия. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы определены задачи, в частности «... проектирование и модернизация дорожно-транспортных, инженерно-коммуникационных и социальной инфраструктуры, ... внедрение информационно-коммуникационных технологий»<sup>1</sup>. В связи с этим, исследование динамических процессов на композитных материалах и изучение вязкоупругих свойств используемых материалов на производстве помогает на развитию методики расчетов динамических задач. Все это требуют широкое применение современных цифровых и информационных технологий к деятельностью

---

<sup>1</sup>Указ Президента Республики Узбекистан “О стратегии действий по дальнейшему Развитию Республики Узбекистан” ПФ-4947 от 7 февраля 2017 года.

проектирования, разработки эффективных вычислительных алгоритмов, математических моделей и разработки эффективного метода решения линейных и нелинейных задач классического флаттера наследственно-деформируемых систем с конечными числами степеней свободы.

Исследования, проведенные в данной диссертации, в определенной степени служат выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 г. «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП-4986 от 10 февраля 2021 года «О мерах по привлечению инвестиций в дальнейшее развитие информационных технологий и коммуникаций», Постановлении Кабинета Министров №24 от 1 февраля 2012 г. «О мерах по созданию условий для дальнейшего развития компьютеризации и информационно коммуникационных технологий на местах» и других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

